

# **Нотиқлик фанидан дарслар**

**Тузувчи:**

**Хомидов Мұхаммадаюб**

**Тошкент  
2017**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## 1- Дарс: Нотиқлик фанининг таърифи ва аҳамияти

1. Нотиқликнинг луғавий ва истилоҳий таърифи.
2. Нотиқликнинг ҳозирги даврдаги аҳамияти.
3. Нотиқлик фанининг мақсади.

Нотиқлик луғатда нутқ сўзламоқ, хутба ўқимоқ, нотиқ бўлмоқ маъноларини англатади.

"Нутқ маданияти", "Нотиқлик санъати" ёки "Нотиқлик" лафзлари ёнма-ён ишлайдиган, бири иккинчисини тўлдирадиган иборалар бўлиб, бу фанинг ўзига хос тарихи, намояндалари ва мақсадлари мавжуд бўлсада, лекин бу фан хақидаги маълумотлар бошқа фанларга нисбатан бизгача камроқ етиб келган.

Нутқ маданияти алоҳида таълимот сифатида қадимги Рим ва Афинада шаклланган, лекин бундан олдинроқ Миср, Оссурия, Вавилон, Хиндистонда пайдо бўлган деган тахминлар бор. Шунингдек, Марказий Осиё тарихида ҳам нотиқлик қадимдан давом этиб келаётганлиги ҳақида маълумотлар ҳам бор. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луготит турк" асари бунга мисол бўлади. Буюк бобокалонимиз А.Навоийнинг "Маҳбуб ул қулуб" асарининг 24-боби ҳам воизликка бағишилангандир.

"Мантиқ ва нутқ маданияти" номли рисолада Нутқ маданияти нима? деган саволга "Юқори нутқ маданияти - бу фикрларни тил воситаси билан тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб бера олишdir", дея жавоб берилган.

Воизлик – исломда, асосан яхшилик ва эзгуликка чақирувчи даъват маъносида ишлатилади. Ваъз айтувчиларни,

яъни бу борада мутахассис бўлган кишиларни "воиз" деб юритилади. Ислом тарихидаги илк воизлардан бири Ҳасан Басрий розияллоҳу анҳу (728 й.в.э.) бўлган. У зот гарчи араб миллатига мансуб бўлмасаларда, араб нутқининг машҳур устозига айланган. Одамларнинг юзига қараб фикрини, кайфиятини сезиб олар ва буни ваъз вақтида назардан қочирмасдилар. Исломда тажовузкорликка даъват этиб, ёмонликни ташвиқот қилиш ваъз ҳисобланмайди.

## **2-дарс: Ваъз қилувчининг одоблари**

1. Воизнинг сийрати.
2. Ваъз қилиш одоблари.
3. Хутба.

Воизнинг (хатибнинг) ваъз насиҳати мазмунли ва инсонларга таъсирли бўлиши учун унинг ўзида бир неча шартлар топилиши керак. Қуйида хатиб ўзи қандай инсон бўлиши кераклиги ҳақида мўътабар китобларда келтирилган сўзлар зикр қилинади:

### **Воизнинг сийрати**

1. Ваъз қилувчи инсон аввало ўзи солиҳ бўлмоғи керак. Чунки, у солиҳ бўлмаса инсонлар унинг ёнидан кетиб қоладилар. Натижада оламнинг бузилишига сабаб бўлади, сўзи эса инсонлар қалбидан жой ололмайди.

2. Воиз диёнатли бўлмоқлиги, ўзининг наздида саҳиҳ бўлмаган ҳадисларни инсонларга гапирмаслиги лозим. Чунки

Али розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилган ҳадиси шарифда:

"Кимки ўзининг ёлғон гапираётганини билиб туриб гапираверса демак у ёлғончиларнинг биридир", деб айтганлар.

3. Илм мажлисини одамлар малолланиб қоладиган даражада чўзиб юбормасин. Бу нарса илм баракасини кетишлигига сабаб бўлади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Қалбларнинг тетиклик, қизиқишлиқ ва воизга юзланишилик вақти бор ҳамда юз ўгиришилик пайти бордир. Шундай экан инсонлар сенга қалбан юзланиб турган муддатда гапиргин".

4. Инсон камтарин, мулойим бўлмоғи даркор. Мутакаббир, дағал ва тошбағир бўлмаслиги керак. Чунки, камтаринлик ва мулойимлик Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлариданdir.

5. Қачон одамларга намоз, рўза, садақа фазилатларидан бирор нарсани айтишликни хоҳласа аввало ўзи ушбу айтган сўзларга амал қилмоғи лозим бўлади. Токи у ушбу оятда зикр қиинганлардан бўлиб қолмасин;

**"Китоб (Таврот ва Инжил)ни ўқиб туриб, одамларни яхшиликка буюрасизу, ўзингизни унутасизми?! Ақлни ишлатмайсизми?"** (Бақара сураси, 44-оят)

**"Эй, иймон келтирганлар! Сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қилдик ёки қилмадик деб) айтурсиз",** (Саф сураси, 2-оят).

6. Воиз Куръон тафсири, ҳадис, фақиҳлар сўзларини билмоғи керак. Али розияллоҳу анҳу одамларга сўзлаётган бир кишини кўрдилар ва унга: "Носих ва мансухни биласанми? (ажрата оласанми?)", дедилар.

"Йўқ", деб жавоб берди.

"Ҳалок бўлибсан ва одамларни ҳам ҳалок қилибсан", дедилар.

7. Воиз одамларга гапираётганда фақатгина битта одамга қараб эмас, балки ҳаммага қараб гапириш керак. Ҳабиб ибн Аби Собит розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. У зот: "Гапираётган (воиз) юзи билан битта одамга қараб гапирмасдан ҳамма одамларга қараб сўзлашлик суннатдир", деганлар.

8. Таъмагир бўлмаслиги. Зеро, таъма инсонни хор қилади, юз кўркамлигини ҳамда илмни кетказади. Лекин ўзи сўрамасада, бирор киши унга бирор нарса берса, олишлигига зарари йўқ.

9. Ваъз қилиш мажлисида хавф (кўрқинч) ва ражо (умид)ни баробар гапирсин. Буткул хавф ёки буткул ражо ҳақида гапирмасин. Чунки бу ишдан қайтарилган.

10. Ниятни чиройли ва саҳих қилиш, яъни холис Аллоҳ ризолиги учун бўлиб, дунё манфаати, таъма, обру, шухрат кўзланмаслиги ва риё, сумъа, уждан сақланишлиги лозим.

## **Ваъз одоблари**

Энди эса ваъзни ташкил қилиш одобларини умумий ҳолда келтириб ўтамиз.

1-Таъаввуз, тасмия ва Қуръон дуоларини айтиб сўз бошлаш.

"Ҳар бир эътиборли, аҳамиятга молик иш Аллоҳ исми билан бошланмас экан у (баракадан) кесилгандир" ҳадиси бунга ёрқин далил бўлади.

2-Ҳамд ва сано билан бошлаш.

3-Мавзунинг луғавий ва шаръий (ёки истилоҳий) маъноларида тўхталиш ва улар орасидаги ўзаро боғлиқликни ёритиб бериш.

4-Мавзу хақидаги Қуръони карим оятларига тўхталиб ўтиш ва бу ҳақда ривоят қилинган ҳадисларни келтириш.

5-Ўтган улуғ мужтаҳид олимларнинг фикрларини билдириш.

6-Салафи солихлар, ҳакимларнинг ҳикматли сўзларидан ва ҳаётларидан намуналар келтириб ўтиш.

7-Мавзуга тааллуқли ҳикояларни баён қилиш.

8-Ҳозирги замон билан мавзуни ўзаро боғлашлик.

9-Дуо ва салом билан мавзуга якун ясаш.

Шу ўринда Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ваъз қилишларидаги айrim хусусиятларини келтириб ўтамиз.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг овозлари:

### **1. Тингловчига кўра овоз танлашлари:**

Набий, саллаллоҳу алайҳи васаллам, тингловчиларнинг олдинда турганларини безовта қилмайдиган, орқа қатордагиларга ҳам эшитиладиган бир овоз танлашга аҳамият берганлар. Бу мавзуда келган нақллардан баъзиларини эслаймиз:

а) Расулуллоҳ, саллаллоҳу алайҳи васаллам, кечалари асҳоби суффа ёнига келганларида ухлаганларни уйғотиб юбормайдиган, уйғоқларгагина эшитиладиган қилиб салом берганлари бизга маълум:

Расулуллоҳ, саллаллоҳу алайҳи васалламнинг, майин овозда салом беришлари тингловчини безовта қилмаслик одбларидан эди;

б) Хитоб учун оёққа туришлари, минбарга чиқишлари, улов устига ёки баландроқ бир жойга чиқишлари ҳам

тингловчилар у кишини қулай кўрсинглар, ҳам овозларини ҳамма бемалол эшитсинлар, деган мақсаддадир;

## **2. Мавзуга қараб овоз танлашлари:**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, Куръон ўқиётганда баъзи оятларда овозларини баланд ёки секин чиқарғанлари каби, сухбатлашаётганда ҳам мавзуни аҳамиятини урғулаш учун овоз танлашга риоя қилганлар.

Авф ибн Молик ал-Ашжайй дейдилар: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида ўтирган эдик. "Аллоҳнинг Расулига байъат қилмайсизларми?" дедилар. Саволларини (биздан жавоб олавермагач) уч марта такрорладилар. Қўлларимизни узатиб: "Ё, Расулуллоҳ! Биз сизга байъат қилган эдик. Энди нима хусусида байъат беришимиз керак?" дедик. У киши: "Аллоҳга қуллик қилиш, Унга ҳеч бир нарсани шерик тутмаслик, беш вақт намозни ўқиши...", дедилар. Сўнгра шивирлагудек бўлиб қўшиб қўйдилар: - ҳеч кимдан бирон нарса истамаслик учун байъат этинг".

## **3. Овозларининг оҳангига:**

Расулуллоҳ, саллаллоҳу алайҳи васаллам, овоз оҳангига ҳам кераклича аҳамият берганлар. Бирон бир ишдан ёки сўздан мамнун бўлганларини ёки хушланмаганларини юз ифодаларидан англаш мумкин бўлганидек, овоз оҳангларидан ҳам аниқласа бўларди.

а) Жобир ибн Абдуллоҳ дейди: "Отамдан қолган қарз масаласини сўраш учун Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларига бордим. Эшикни тақиллатдим. "Ким у?!", деб сўрадилар. "Мен", дедим. Хушланмаганлари сезилиб турган оҳангда: "Мен, мен...", дедилар".

б) Сафар чоғи дарахт соясида ёлғиз ухлаб ётганларида бошлари узра қилич кўтарганча уйғотиб: "Энди сени мендан ким қутқара олади?" деган кимсага, битта сўз билан

"Аллоҳ!" дейишиларида ҳам овозлари оҳанги шундай қаттиқ, кескин, метин бўлган эдики, бадавийни шошириб, қўлидан қиличини тушириб юборишигача сабаб бўлган;

## **Хитобатларидаги ҳаракатлари**

Набий, саллаллоҳу алайҳи васаллам, хутбаларини лозим бўлганида турли хатти-ҳаракатлар билан дастаклаганлар, шутариқа жамоатнинг мавзууни янада яхшироқ қабул қилишини таъминлаганлар.

## **Бармоқ ва қўл ҳаракатлари**

1. "Мўминлар бир-бирини суяб турган ғиштлар кабидир", дер эканлар, бармоқларини жуфт қилиб кўрсатган ҳолда.
2. "Қиёмат билан сизларнинг орангизда мана шунча масофа қолган бир пайтда мен пайғамбарлик вазифаси билан юборилдим", дер эканлар, кўрсаткич бармоқлари билан ўрта бармоқлари орасини хиёл очиб кўрсатганлар.
3. "Ой шунча, шунча, шунчадир", дея иккала қўлларини очиб ўнта бармоқлари билан уч марта ишора қилиб, ойнинг ўттиз кун эканини тушунтирганлар.

## **Вужудларининг ҳаракати**

Жаъфар ибн Абу Толиб Хайбар фатҳ этилган куни хижратдан қайтиб келдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, унинг икки кўзи орасидан ўпид қучоқлаганлар: "Қай биридан кўпроқ қувонай - Хайбарнинг фатҳиданми ёки

Жаъфарнинг келишиданми...", деган эдилар.

## **Ҳасса билан қилган ҳаракатлари**

Расулуллоҳ, саллаллоҳу алайҳи васаллам, кўпинча олиб юрган ҳассалари билан баъзи ишораларни қилганлар. Минбардан туриб сухбат қураётгандаридан ҳассаларини минбарга уриб: "Бу Тоййибадир (Мадина шаҳридир). Бу Тоййибадир. Диққат қилинг: буни (Дажжолни Макка ва Мадина шаҳрига кира олмаслигини) сизларга тушунтирган эдим", деганлари; фақир мусулмонлар учун келтирилиб масжид устунига осилган сифатсиз хурмо шингилини ҳассалари билан туртиб: "Бу садақанинг эгаси истаса бундан яхшироғини садақа қилиб бера оларди", дейишлари ҳамда қурий бошлаган бир дараҳт баргларини ҳассалари билан уриб тўкарканлар, буни гуноҳларнинг тўкилишига мисол қилиб кўрсатишлари шундай ҳаракатларга киради.

### **3-дарс: Сабр ва матонат муваффақият гарови**

1. Имконият қидириш.
2. Аллоҳнинг пайғамбаридан ибрат.
3. Вазиятни ҳис этиб туриш.

Мусо алайҳиссалом пайғамбарликни қабул қилиб олдилар. Лекин у кишида рисолатни халққа етказишилик имкониятини тўсувчи бир неча муаммолар бор эди. Шунинг учун Аллоҳ таолодан ўзидан кўра фасоҳатлироқ бўлган укаси Ҳорунни ҳам бирга юборишни сўрадилар. Бу ҳодиса ҳақида Аллоҳ таоло ўз китобида мана бундай баён қиласи:

"Биродарим мендан кўра тили буророқ. Бас, уни ҳам мен билан бирга мени тасдиқлайдиган ёрдамчи қилиб юборгин. Чунки улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқаман. Аллоҳ айтди: Биз сени биродаринг билан қувватлантиурмиз ва иккингиз учун салтанат (ғалаба ато) қилурмиз. Бас, улар сизларга (бирон) зиён етказа олмаслар. Бизнинг мўжизаларимиз билан сизлар ҳам сизларга эргашганлар ҳам ғолибдир". (Қасос сураси, 35-оят).

Мусо алайҳиссаломга Ҳорунни ўзига ёрдамчи қилиб олиш ва буни Аллоҳдан талаб қилиш қийинчилик туғдирмади. Чунки, Ҳорун чиройлироқ гапирав эдилар. Мусо алайҳиссаломнинг бу талабларини сабаби Қуръони каримнинг Шуъаро сурасида баён этилади:

"**Мусо айтди: Эй, Роббим! (Мен борурман, лекин) улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқаман. Дилем танг бўлур, тилим равон эмас. Бас, (биродарим) Ҳорунга ҳам пайғамбарлик юборгин**". (Шуъаро сураси, 12-13-оятлар).

Бу оятда Мусо алайҳис салом Фиръавн ва уни қавми билан муомала қилганда, у кишида содир бўладиган бир неча ички (руҳий) ҳолатлар сабабли уларга Аллоҳнинг амрларини етказишга қодир эмасликлари баён қилинмоқда.

Ўша ҳолатлар:

1. Ёлғончи қилишларидан қўрқиши. Даъватчининг қалби ишончга тўла бўлиши керак эканлигида шак йўқ. Чунки ёлғончи дейишларидан қўрқиши нутқ ва уни бошқаларга етказиш қувватига халал берувчи руҳий (ички) омилдир.

2. Дилларининг танглиги. Дил танглиги нотикқа фикрларини тартиблаб, низомга туширишдан ман қиласи.

3. Тилларининг равон эмаслиги. Бу ўтган муаммолар сабабли нотикқа етадиган ҳолат.

Мусо алайҳиссалом бу муаммоларни вазифани адо қила олмасликларига сабаб қилиб кўрсатмоқдалар. Лекин пайғамбарлик бурчини елкалариға олиб, уни адо этиш учун қилган саъй-ҳаракатлари у зотни Қуръонда зикр этилган рисолатни адо этиш ҳақидаги барча ўринларда асосий шахс сифатида кўрсатади. Ҳорун алайҳиссалом эса фақат ёрдамчи бўлғанликлари учун бирон жойда у кишини номи зикр этилмайди. Бу ўз навбатида Мусо алайҳиссалом ўзига йўлиқаётган қийинчилик (муаммо)ларни енгиб ўтганлигини кўрсатади.

## **4-дарс: Нотиқлик омонатдорликдир**

1. Аллоҳдан қўрқингиз ва тўғри сўзлангиз.
2. Ёлғон тўқувчининг жойи дўзах.
3. Омонатдорлик амалларнинг сараси.

Нотиқликда омонатдорлик катта аҳамият касб этади. Ҳар бир воиз минбарга чиқиб Аллоҳ таолонинг муборак қаломи бўлмиш Қуръони каримдан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларидан ва ўтмишда ўтган буюк сиймоларниш ҳикматли сўзларидан насиҳат қилар экан, биринчи галда ҳар бир айтилаётган сўзга эътибор қилмоғи лозимдир. Китобларда қандай келтирилган бўлса, шундай етказмоқликка буюрилгандир. Зоро, Аллоҳ таоло Қуръони азимуш-шаънда марҳамат қилиб:

**«Эй, мўъминлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва тўғри сўзлангиз»** деб марҳамат қилди. Мазкур оятга эътибор қилинса, фақатгина нотиқлар эмас, балки, барча мўъминларни тўғри сўзлашга буюрилмоқда. Шундай экан воизлар ўз мавъизаларида эҳтиёт бўлмоқликлари лозимдир. Чунки

уларни бепарволик ила қилган биргина хатоси бир неча инсонларнинг залолатига сабаб бўлиши мумкин. Қасдан қилинган хатолар, ёлғонлар, тўқима хабарларга эса ушбу ҳадиснинг ўзи кифоядир

«Мендан биргина хабар бўлсада, (инсонларга) етказинглар. Бани Исроил қиссалари, ибратли ҳикояларини гапираверинглар ҳеч қандай нокулайлик йўқ ва кимда ким менга қасдан ёлғон тўқиса, ўзига дўзахдан жой тайёрлаб олсин». (Абдуллоҳ ибн Амрдан Бухорий ривояти).

Имом Ғаззолий айтадилар: «Баъзи бир кимсалар, инсонларни яхши амалларга етаклаш, гуноҳлардан сакланиши учун сабаб бўладиган тўқима ҳадисларни айтиш ёки ўзи тўқиши жоиз деб ўйлайдилар. Бу эса оғир бир хатодир. Ёлғон сўзлашга фақатгина зарур бўлган уч ўринда рухсат берилган холос. Улардан бири, икки кишининг ўртасини ислоҳ қилиш, иккинчиси, урушдаги ёлғон (хийла), учинчиси, эру-хотин ўртасидаги муроса учун бўлган ёлғон. Булардан бошқа ўринларда яъни, пок шариатимизни инсонларга етказмоқликда ёлғонга ҳожат йўқдир. Зоро, оятлар ва ҳадисларда етарлича сидқ (тўғри) хабарлар бордир.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаънига ёлғон тўқишилик гуноҳи кабиралардандир».

Имом Ғаззолий ўзларининг «Заммул-жоҳ вар-риё» номли китобларида шундай деганлар:

«Воиз, У - каломи ва сийрати билан охиратга рағбат уйғотувчи ва дунёда зухдга етакловчи кишидир». Демак, шундай экан, нотиқлар ўз хизматларини адо этишда инсонларнинг розилигини ўйлаб, уларни хушнуд этувчи сўзларни сўзлаб, хутбаларининг фақатгина зоҳирига эътибор бериб, мўъминнинг асл мақсади бўлган охиратни эсдан чиқариб қўймасинлар, балки Аллоҳ таолонинг розилигини эсласинлар ва шу билан биргаликда ўзларини қилаётган

хутбаларига амал қылсиналар.

Исо алайҳиссалом: «Эй, уламолар! Ўзида кепакни олиб қолиб унни ўтказиб юборадиган элак каби бўлманглар», яъни оғизларингиз билан инсонларга фойдали ҳукмларни ўргатиб, ўзларингиз бенасиб қолманглар, деганлар.

## 5-дарс: Нотиқлик яхшилик тимсолидир

1. Ақлсизлар.
2. Илм ва ақл тақозоси.
3. Ҳиссиёт.

"Ўзида йўқ одам бирорвга беролмайди", деган инкор қилинмайдиган қоида бор. Нотиқдаги иймон ҳарорати заифлашгани сари бунинг таъсири инсонларга тақдим қилаётган ваъзида кўриниб қолади. Аслида нотиқга энг муҳим бўлган вазифа гапириш эмас, балки ўзи иймон келтирган, вужудига нурлари аралашиб кетган рисолат (етказишлик лозим бўлган вазифа) ни адо этишdir. Нотиқ гапирадиган бўлса инсонларга нақл қилиш керак бўлган нарсани эмас, балки ўзи шунинг таъсири остида бўлган нарсаларнигина гапириши керак. Даъватчилар, нотиқларнинг барчаси инсонларни яхшиликка чакирадилар. Нотиқ инсонлар оммасига тақдим қилаётган даъватларидан ўзи ҳам манфаат олиши керак. Эзгулик негизлари уни ич-ичига кириб бориши, коинотдаги энг буюк нарса - Ислом руҳониятини ўзида ҳосил қилиб, унинг нурлари билан порлоқ шахсиятга айланиши лозим. Бу нарса мана шу иш билан шуғулланаётган ҳар бир ақлли кишида содир бўлиши шартдир. Мана шу сабабдан Аллоҳ таоло инсонларни яхшиликка буюриб, ўзини эсдан чикарадиган кимсаларни ўзларини буюк хатарга

қўяётганликлари учун "Ақлсизлар", деб танбех беради.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, нотиққа қилаётган ваъз насиҳатларидан келиб чиқадиган энг катта фойда ўзи даъват қилаётган хулқларнинг унинг ўзида мужассам бўлишилигидир.

Куйидаги ибораларда Бақара сурасидаги Аллоҳ таолонинг "**Китоб (Таврот ва Инжил)ни ўқиб туриб, одамларни яхшиликка буорасизу, ўзингизни унутасизми?!"** (Бақара сураси 44-оят) деган сўзи ҳақидаги муфассир ва уламоларнинг фикрларини келтириб ўтамиз.

Имоми ибн Касир бу оятни мана бундай тафсир қилган:

"Эй китоб аҳли, инсонларни яхшиликка буориб, ўзларингизни эсдан чиқаришлиқ сизларга ярашадими? Китобни тиловат қиласизлар, унда Аллоҳни буйруқларини бажармаган одамга қандай уқубатлар етишини биласизлар. Нима учун инсонларга айтиётган нарсаларингизни ўзларингиз қилмайсизлар? Ақлни ишлатмайсизларми? Бу кетишда қай аҳволга тушасизлар?! Кўзларингизни очинглар. Уйқудан уйғонинглар!".

Қатода розияллоҳу анҳу бу ҳақда шундай дейди: "Бани Исроил инсонларни яхшиликка, Аллоҳга итоат қилиб, тақводор бўлишга буюрар эдилар. Лекин ўзлари айттан сўзларини хилофини қилар эдилар. Аллоҳ таоло уларни айблаб, мана шу оятни нозил қилди.

Ибн Жарих "Аҳли китоб ва мунофиқлар инсонларни рўза ва намозга буюрар эдилар. Ўзлари эса буюрган нарсаларига амал қилмас эдилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло уларга мана шу оят билан танбех берди", деганлар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу бу оятни: "Инсонларни Мұҳаммад алайҳис салом динига киришга, намоз ўқишига ва ўзларингга буюрилган баъзи ишларга чақирасизлару ўзларингни эсдан чиқарасизларми?", -деб тафсир қилганлар. Ибн Касир гапларини қуйидаги фикрлар билан давом

эттирадилар:

"Бу оятдан мақсад уларни инсонларга буюрган яхшиликларини ўzlари қилмаётганлари учун мазаммат қилиб, хато қилаётганликларига танбех беришdir. Бу ерда улар яхшиликка буюрганликлари учун мазаммат қилинмаяпти. Чунки амру маъруф қилишлик ҳар бир олимга вожибdir. Олим одам буюрган ишини инсонлардан қолишмасдан улар билан бирга бажариши зарур.

Муфассир Шавконий эса бу оят ҳақида қуйидаги фикрларни билдирадилар:

"Аллоҳ таоло бу ўринда илмига амал қилмайдиган, яхшиликка буориб, ўzlари қилмайдиган уламоларга қаттиқ танбех бермоқда. Уларнинг инсонларни яхшиликка буориб, ўzlарини эсдан чиқариб қўйганликларини ноўрин ишлардан деб ҳисобламоқда. Улар одамлар жамоалари ичида туриб, мажлисларда нидо қиласидилар. Бу билан улар ўз зиммаларига олган Аллоҳнинг ҳужжатларини инсонларга етказаётгандек, у баён қилишни буюрган ишларни бандаларига баён қилаётгандек, Аллоҳ уларга омонат қилиб берган нарсаларни халққа етказаётгандек бўлиб кўринадилар.

Ваҳоланки инсонлар ичида бу ишларни энг кўп тарк қиласидилар, унинг манфаатидан энг узоқ кимсалар уларнинг ўzlаридир.

Сўнгра бу жумла сўнгидан уларни холини равшан қилувчи, айбларини кашф қилувчи, сатрларини очиб ташловчи бошқа бир жумлани келтирмоқда.

Яъни: Улар бу хунук ишлари ва ярамас хислатларини била туриб, ўzlарига нозил қилинган китобни тиловат қилиб, унинг ҳукмларидан хабардор бўлган ҳолларида қилмоқдалар. Улар бу қиласидилар Мәъаррий ўз шеърида айтгандек йўл тутмоқдалар: "Таврот ўқигувчиларни унга қизиқтирган нарса, фойдаларни қўлга киритмоқдир. уни ўқишига бўлган муҳаббат

эмас".

Сўнг Парвардигори олам танбех устига танбех, таъна устига таъна юбориб, уларни маломат қилади.

"Сизлар аҳли илм, ҳужжат соҳиби ҳамда Аллоҳнинг китобларини таълим берувчи кишиларсизлар. Бу сифатлар сизларда топилмаган тақдирда ҳам сизларда ақл бор, оқиллардан бўлганингизни ўзиёқ, сизлар билан бу ноўрин ишларни орасини тўсиши, бу ишлардан сизларни қайтариши ва ҳимоя қилиши керак эди. Хўп, илмларингга амал қилмабсизлар, нима учун ҳеч бўлмаса ақл тақозосига кўра иш тутмадинглар?!" (Фатҳ ул-Қодир, 90-бет.)

## **6-дарс: Воизлиқдаги психология**

1. Нотиқнинг руҳий хусусиятлари.
2. Нотиқнинг ўзига ишончи.
3. Нотиқлик психологияси.

### **Нотиқнинг руҳий хусусиятлари**

Воизлик каби ўз-ўзига бўлган ишонч, мувозанатни жалб қиласидиган бирорта меҳнат тури йўқдир. У пайғамбарлар, мурсаллар ва ҳар бир асрдаги ислоҳотчиларнинг амалидир. Нотиқлик самовий рисолатларни нақл қилиш ва инсонларга шарҳлаш учун улуғ бир воситадир. У ҳаётда тўғри йўлни ва олижаноблик асосларини чегаралаб беради. Булар орқали воизлик билан машғул бўлаётган одамга руҳий тарафдан кўп яхшиликлар келиб чиқади ва яна унинг ҳаёти саодат ва барқарорликка чўмади. Бу нарсалар жумъа, икки ийд хутбаларини ўз ичига оладиган диний воизликни ўзидагина тўхтаб қолмайди. Балки, ваъз қилишлиқ, иршод, дарс беришлиқ каби ишларда ҳам содир бўлади. Бу иш эркаклар ва

аёлларга ҳам бир хилда тегишлидир. Қуйида воизга оид бўлган баъзи хусусиятларнинг шарҳи умумий шаклда баён этилади.

### **Ўзига ишонч:**

Ўзига ишонишлик руҳий таълимотларга асосан иш тутувчи инсонларнинг қалбларидағи энг юксак орзудир. Чунки ўзига ишонишлик шундай бир ҳолатки, инсон агар унга етадиган бўлса, ҳар қандай ўзида содир бўлган руҳий касалликни осонлик билан муолажа қилиши мумкин. У билан ҳаётнинг ҳар қандай муаммолари, машаққатли шароитлари қархисида ёрдам берадиган руҳий қувват зиёда бўлади. Воизлик фақатгина ўзига бўлган ишочни пайдо қилиш, руҳий касалликларга даво бўлишда ҳал қилувчи омил эмасдир. Балки, даволашдан ҳам яхширок бўлган руҳий ҳимояни келтириб чиқаришга ҳам қодирдир.

### **Воизлик психологияси:**

Гоҳида инсонда жуда кўп илмлар ҳосил бўлади. Агар уни инсонларга нақл қилишга имконият берилса жамият шу орқали кўп яхшиликларга эришиши мумкин. Лекин руҳий танглик ва биринчи қадамни ташлашликдан қўрқишлиқ ўзи билган ва одамларга етказа олмаган чуқур илмни зойе бўлишилигига олиб келади. Бу танглик ҳолати илмни етказа олмасликни ўзида тўхтамайди. Балки, ривожланиб инсонда тўлиқ ҳукмрон бўлиб олади. Ундан кейин у ҳаётида ҳар қандай ҳақни ҳам талаб қила олмай қолади. Қачон унга бир мушкулот йўлиқса, унга нисбатан ҳиссиётини ифода қилишилик, уни қархисида асабийлашувини чегаралашдан ҳам ожиз қолади ва тушкунликка дучор бўлади. Бу тушкунлик эса ўз навбатида кейинчалик руҳий касалликларга айланадиган руҳий муаммоларга олиб боради.

Инсонни ифодали сўзлаш йўлини ўрганиши ва машқ қилиши унда руҳий қувватни ривожлантиради ва уни

хаётдаги вазифаларни (воизлик, илмни тарқатиш каби) муваффақиятли адо этишга олиб боради. Чунки таълим олишни зафарли ва омадли чиққани уни бошқаларга нутқ орқали етказилгандагина маълум бўлади. Нутқ қилиш, ваъз қилиш инсонни ўзига бўлган ишончни, қавм орасида етакчилигини келтиради. Барча пайғамбарлар ва мурсаллар уларга вазифа юкланмасидан олдин, бошқалардан фақатгина соғлом ниятлари ва руҳий покликлари билангина ажralадиган оддий инсонлар эканлиги кузатилади. Лекин пайғамбарлик берилганидан кейин ўз жамиятларида таъсир кўрсатувчи, буюк бир шахсиятларга айландилар.

Уларни ичида нафақат жамиятлари балки бутун оламга таъсир кўрсатган пайғамбарлар ҳам бордир. Бунга мисол қилиб, жаноби пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрсатиш мумкин. Демак, пайғамбарлик вазифаси уни етказишдан иборат экан. Аллоҳ таоло ўз пайғамбарига:

**"Эй, Расул! Раббингиздан сизга нозил қилинган нарса (оятлар) ни (одамлар) га етказинг. Агар (буни) қилмасангиз унинг рисоласи (топшириғи)ни етказмаган бўлурсиз".** (Моида сураси, 68-ояти) деб марҳамат қиласи.

## **7-дарс: Воизлик шахсиятининг шаклланиши**

1. Ишонч.
2. Машқ қилиш.
3. Рағбат.

### **Воизнинг шахсияти:**

Бу бўлимда воизнинг шахсиятига боғлик бўлган ички ва зоҳирий нарсалар, уни инсонлар олдида туриб ваъз айта олишга қодир қиласиган хусусиятлар ҳақида гап боради. Бу

бахсни мутолаа қилганимиздан сўнг воизлик фақатгина баъзи инсонларга ато қилинадиган инъом эмас, балки ҳар бир инсоннинг иқтидорида маълум бир чегарагача бўлса ҳам воизлик мавжудлигига амин бўламиз. Энди воиз учун зарур бўлган баъзи бир хусусиятларни айтиб ўтамиз.

### **Ўзига ишониш:**

Машхур воизлар ҳам янги фаолиятини бошлаган вақтларида бир мунча қийинчиликларга дучор бўлишган. Гапларида тараддуд, тутилиш содир бўлган. Гоҳида умуман тўхтаб қолишган. Шундай бўлса ҳам ўзларига бўлган ишончни ошириш учун машқ қилишда давом этганлар ва уларни бутун дунё бўйлаб машхур қилган ҳолатларга етганлар.

### **Кучли рағбат:**

Воизликка эришиш учун машқ қилаётган кишиларга жуда ҳам зарур ҳамда эътиборсизлик қилиб бўлмайдиган нарса, бу, ишни кучли рағбат билан бошлашдир. Ҳар нарсани ҳам кучли қизиқиш ва рағбат билан бошлаш афзалдур.

### **Мавзуни чегаралаб, аниқлаб олиш:**

Бундан мурод нутқ қилиш (гапиришдан) олдин қандай гапириш, нима ҳақида гапиришни билиб тайин қилиб олишдир. Инсон ўзи нима ҳақида гапиришни аниқ қилиб олмай жамоат олдига чиқадиган бўлса, ўзи биронта нарсани билмайдиган мавзуда нутқ сўзлаётган одам сингари бўлиб қолади.

### **Машқ қилиш:**

Воизликга шу вақтгача назарий тарафдан эътибор бериб келинган. Амалий тарафга эса парво қилинмаган. Агар, ҳақиқий, энг зўр воизлик бу машқ самарасидир десак муболаға бўлмайди. Бошланишида ҳам машқ, ниҳоясида ҳам машқ қилиш даркор. Ҳар бир нарсани ҳам қалби бўлганидек

воизликнинг қалби машқ қилишдур. Инсон биринчи марта воизлик қилганида унга кўплаб руҳий ва асабий қийинчиликлар рўбарў бўлади. Асабийлашувдан шу ҳолга етадики, юраги қаттиқ ва тез ура бошлайди, терлар оқиб кетади, қувват сусаяди, жасадини ҳар бир жойи қалтираб кетади, томоғи қуриб гапи тутилиб қолади, фикрларини бошида ушлаб туролмай хаёли паришон бўлиб кетади. Бошланғич воизлар бу тўсиқларни кўп машқ қилиш орқали бартараф қилишлари мумкин. Аммо машққа эътибор қилинмаса, олдинги ўтган зотларнинг ваъзларига мурожаат қилиб, уни ёдлаб олишдан фойда чиқмайди.

### **Ишонч билан нутқ қилиш:**

Ўзига ишониб нутқ қилиш ҳар биримиз етишга ҳаракат қилаётган мақсаддир. Ишончли сўзлаш муқобилида ишончсиз, суст, титроқ билан нутқ қилиш туради. Ишонч билан нутқ сўзлашга машқ қилиш, маълумотларни ўз вақтида келтириш ва ҳоказо нарсалар сабаб бўлсада, бу ерда асосий муҳим нарса кучли иродани ундови билан бўлган инсон замиридаги фаолликдур. Воиз жамоат олдига чиққанда уларни қанчалиги, қайси тоифага мансублигига, қандай кишилар эканлигига парво қилмаслиги зарурдир.

## **8-дарс: Руҳий тўсиқлар**

1. Ҳаё.
2. Ҳақ ва ҳаё.
3. Уятчанлик сабаблари.

Инсонни ўз қалбидаги нарсани хитобий тарзда ифода қилишдан ман қиладиган тўсиқ ҳаёдир, яъни уялмоқликдир. Ҳаёning келиб чиқишига кўп нарсалар сабаб бўлади. Лекин

қўйида асосий икки сабаб ҳақида сўз юритилади:

Биринчи сабаб. Инсон хилқатида табиий ҳаёни мавжудлиги. У ҳаё Аллоҳ таоло инсон табиатига жойлаб қўйган ҳаёдир. У эркак кишида ҳам, аёл кишида ҳам бор. Лекин аёлларда нисбатан кўпроқдир. Бу ҳаё уларда иффат, поклик ва ҳимояланиш воситасидир. Ҳаё ҳақида жаноби Расуллурроҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай деганлар:

"Ҳаё ва иймон бир-бирига жуда ҳам яқиндир. Уларнинг бири инсонни тарқ этса бошқаси ҳам кўтарилади".

### **Ҳақ ва ҳаё:**

Шундай чиройли сифатларга эга бўлса ҳам, ҳаё мусулмон одамнинг ҳақни гапиришлигидан тўсмаслиги керак. Чунки ҳақни гапириш энг самимий ҳаёдир. Бу ҳаёнинг олдингисидан фарқи ушбу ҳаё Аллоҳ таолодан ҳаё қилишдир. Аллоҳ таоло бу қоидани ўзини мана бу сўзи билан мустаҳкамлайди.

**"Аллоҳ чивин, балки ундан ҳам "юқори" нарсалар ҳақида зарбул масал айтишдан уялмайди".** (Бақара сураси, 26 - оят).

Шунга қарамасдан бу ояти каримада чивин, ҳатто ундан ҳам кичикроқ нарсани мисол келтиришдан уялмаслигини баён қилмоқда. Парвардигори олам ҳақни айтишдан уялмайдиган зотдир. Расуллурроҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳам инсонлар ичидаги энг ҳаёли инсон эдилар. Ҳадисда келишича у зот чодири ичидаги иффатли қиздан ҳам ҳаёлироқ эдилар. Шу билан бирга буюрилган нарсани очиқ-тиник қилиб етказар эдилар.

У зотнинг ҳаёлари пайғамбарлик вазифаларини етказиш, омонатни бажариш, натижаси қандай бўлишдан қатъи назар ҳақ билан бирга бўлишдан ман қилмаган эди.

Иккинчи сабаб. Инсон кейинчалик ўрганиб, ўзи тарафидан эгалланган ҳаё - ҳаёи муктасабдир. Ислом фаолиятининг бошиданоқ болалар тарбиясига ҳатто улар ҳаётга келмасларидан аввалроқ аҳамият беришга, ҳаётга келганидан сўнг эса гигиеник саломатлик тарафдан нормал, ёмон тарбия оқибатида ҳосил бўладиган руҳий муаммолардан холи тарбия беришга буоради.

Расуллурроҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари биз учун мана шу ўринда равshan бир нур, шифо берувчи малҳам, йўл бошловчи пешводир. Расуллурроҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг болалар тарбиясига берган аҳамиятлари, улар билан қилган ҳазил-мутойибалари, у зотни йўлларини равshan қилиб берадиган бошқа ишларга намунаидир.

## **9-дарс: Хутба (ваъз) мавзуси**

1. Таракқиёт асрида воизлиқ.
2. Иборанинг ваъз мавзуси учун хизмати.
3. Мавзууни таҳлил қилиш.
4. Мавзууни таҳлил қилиб бериш фойдалари.

### **Таракқиёт асрида воизлиқ**

Таракқиёт юқори даражада ривожланаётган ҳозирги даврда воиз ҳам ваъз услубларини янада мукаммалроқ қилиб замон билан tengma-teng одимламоғи керак. Ҳатто хунармандлар ҳам вақт ўтган сари ўз касбларида таракқиётга эришадилар. Нима учун воиз ҳаётини бир хил суратда ўтказиши керак? Қачонлардир ўрганган услугни қачонгача

давом эттиради? У ҳам маълумотларни халқقا етказиша бошқа соҳа одамлари каби янги услублар ўйлаб топсин. Шунда унинг панду насиҳатлари халқнинг онгига етиб боради. Хизматининг самарасини кўради.

Шунингдек, илм замони бўлмиш ушбу замонда воизлик ўз вазифасини бажариши учун ваъзнинг битта мавзуси бўлиши керак. Ваъз ушбу мавзуга хизмат қилиши ва унинг атрофида айланиши керак.

Аммо нотик ўз ваъз мавзусидан четлаб баҳодирлик ҳақидаги шеърларга, бани Исроил ҳикояларига мурожаат қиласа ва маълумотларининг кўплигини кўрсатишга уринса бу билан мавзуни шарҳлаган бўлмайди. Балки уни йўқотган бўлади. Араблар жоҳилият даврида шеър ўқиши учун бозорлар ташкил қилишар, уларнинг аксар шеърлари фахрланишга доир, умумий ва асосий муаммолардан холи бўлар эди. Ислом дини жоҳилиятнинг ҳар қандай кўриниши, шакли ва моҳиятини йўқ қилди. Куръон ва ундаги ҳар бир оятнинг ўзига хос мавзуси бўлиб, бир ёки ундан кўп муаммоларни ҳал қила олади. Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари ҳам муайян бир мавзуни ўз ичига қамрайди.

Саҳоба ва тобеъинлар мана шу Қуръоний ва Мухаммадий мадрасада таълим олганликлари учун, хутба ва нутқлари бир мақсадга қаратилар, аниқ бир мавзу атрофида бўлар эди. Мусулмонлар мақсади фақатгина гапириб олишлик, аниқ бир мавзуга эга бўлмаган хутба ва ваъзларни эса билмас эдилар.

Мана шу фикрларга воқиф бўлар эканмиз нотиклар ўзларининг катта жамоатларига таъсир ўтказа олмаётганига сабаб бўлаётган омилларнинг бири маълум бўлади. Чунки воиз, маълум бир мавзусиз гапирса жамоат унинг ваъзидан мақсад нима эканлигини тушунмасдан тингласа, ухлаётган одам ухлаган одамларга ёки маст одам сархуш одамларга гапираётганга ўхшайди.

## **Ибораларнинг ваъз мавзуси учун хизмат қилиши**

Воиз хутба мавзусини аниқлаб, тайин қилиб олгандан сўнг шу мавзуни инсонлар онгида чуқурроқ из қолдириши ва уларга кучлироқ таъсир қилиши учун ушбу мавзуни кенгроқ очиб берадиган сўзларни келтириб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Масалан: ваъзни мавзуси (мақсади) тахвиф (қўрқитиш) бўлса, воқеаларни маълум бир шахслар ёки оилаларга даҳшатли тус олганини тасаввуринга келтириб сўнг бундан Аллоҳни тақдирни инсонлар устига тўсатдан келиши ҳақидаги фикрларга ўтилади. Буни қуйидаги мисолда кўрамиз:

1. Аҳмад ишдан қайтиб келди.
2. Кийимларини ечиб, алмаштириди.
3. Оиласи атрофига кечки овқатни кутиб ўтириди.
4. Болаларини бугунги дарсларини суриштириди.
5. Улар билан бирга баҳтиёр ҳолатда овқатланди.
6. Таомдан сўнг сухбатлашиб ўтиридилар.
7. Хотини унга бир пиёла чой қўйиб берди. У чойни совуши учун олдига қўйди ва хотини билан сухбатни давом эттириди.
8. Тўсатдан деворлар раксга тушиб, чой олиб келинган пиёла қаттиқ силкина бошлади ва уй устиларига қулаб уларни босиб қолди. Аҳмад ва хотини нима бўлганини билишга ҳам улгурмай вафот этдилар. (Қаттиқ зилзила рўй берганди).
9. Оила аъзоларини ярми вафот қилди. Тўплаган молу дунёсидан айрилиб, бошпанасиз қолди.

Мана шу иборалар бир мавзуни (қўрқитиш йўли билан) ифода қилиш учун хизмат қилди.

## **Мавзуни таҳлил қилиш**

Воиз биринчи навбатда ваъзнинг мазмунини очиб беришга муҳтож бўлади. Чунки хутба (ваъз) нинг мазмуни гапнинг мағзидир, у воиз ва воиз ҳаракат қилаётган асосий мўлжал (мақсад)дир. Калом эса унинг пўстидир. Воизлик ўтган замонларда каломнинг балоғати, тилнинг фасоҳати, чиройли ҳайъат, баланд овоз ва хужжатнинг бақувватлигига суюнган бўлса, ҳозирги замонда шулар билан бирга мавзуни чегаралаб олишга муҳтождир.. Ҳозирги замон ҳаёти шунчалик ривожланганки, башар ақли шунчалик ўсиб кетганки, воиз ўз ваъзининг мазмунини чегаралаб (тайин) қилиб, уни таҳлил килиб беришга эҳтиёж сезмоқда. Мазмунни таҳлил қилиш илми ўзини янги мағҳуми билан араб луғатига янги луғат бўлиб кўринса ҳам лекин араб тилида унинг чуқур томирлари мавжуддир. Тафсир ҳам Каломи Ҳақни мазмунининг таҳлилидир. Аммо кўплаб муфассирлар бу тарафга дикқат қаратмаганлар. Воиз ўзининг асосий озуқаси бўлган Қуръони қарим ва Расуллуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни ҳадисларини фаҳм этишга уринганида ҳам, фикҳ, луғат, адабиёт каби фанлардан дарс берганида ҳам мавзунинг таҳлилига муҳтож. Айниқса, ҳозирги замонамизда фаолият кўрсатаётган воиз кундалик воқеа-ҳодисалардан, атрофда бўлаётган жараёнлардан боҳбар бўлиши керак, ҳамда уларни тўғри таҳлил қила олиши зарур.

## **Мавзуни таҳлил қилиб бериш фойдалари**

Ораларида келишмовчилик бўлган иккита давлат вакиллари бир жойда учрашиб музокара қилсалар,

музокаралари тугагандан сўнг қўйидагича ахборот берилади:

"Иккала томон ҳам музокараларни давом эттириш, бир-бирларига ташриф буюриб, ҳамкорликни кучайтириш ҳамда олам тинчлиги ва барқарорлиги учун ҳаракат қилишга келишиб олдилар". Бу ахборотдаги умумий иборалар ва маънолар мавзу (мазмун)га диққат билан қарамаган одамни алдаб қўяди. Ҳақиқатда эса бу ахборотнинг мазмуни аниқ, шарҳлашга муҳтож эмас, яъни томонлар учрашувдан олдин келиша олмаётган масалаларда бир битимга келмадилар, ихтилофлар ҳамон давом этмоқда, агар улар бу борада бирор битимга келишсалар, эълон қиласиз, деганидир.

Мана шу нарсалар мавзуни таҳлил қилиш фойдасидир. Бу иборалар воизни сўзнинг далолат қилиш ўрин ва мақсадларини илғаб олишда сезувчан, сергак бўлишга ундейди. Мазмунни таҳлил қилиш фойдаларидан бири ҳам мана шудир. Бу билан воизнинг савияси ошади. Атрофида кечаётган воқеаларни айтиётган кичкина хужжат ва кўрсатмасида бўлса ҳам ҳис қилиб туради.

## **10-дарс: Ваъз (нутқ) таъсирини заифлаштирадиган ташқи омиллар**

1. Номутаносибликлар.
2. Замон ва макон эътибори.
3. Жамоатнинг ҳолати.

Кўп ҳолларда ваъзга ташқи омиллар сабабли путур етади. Бу омиллар хутба матнидан узоқ бўлса ҳамки, унга кучли таъсир ўтказиши мумкин. Бу омиллар кўрсатмаларни аниқ етказиш учун тўсқинлик қиласи. Воизларнинг ҳар бирига мухим бўлган нарса, мана шу номутаносибликлардан

сақданмоқлиқдир. Бу номутаносибликлар тафсилга мұхтож бўлганлиги учун қуйида уларга тўхталиб ўтамиз.

### **1. Сикофий (маданий) номутаносиблик.**

Баъзида воиз хутбасини фасоҳат билан етказиб, минбардан тушиши биланоқ жамоатга етказган маълумотларни таъсири умуман йўқолиб бўлади. Бу воиз ва жамоатнинг ўртасида сикофасини турли хил эканидандир. Бу ҳолатни мисол орқали ифодаласак янада равshan бўлади. Масалан: Воиз дала дехқонлари ёки сахродаги кончиларга давлатлараро алоқалар ҳақида ёки қонуншунослик тўғрисидаги дастурий маълумотларни гапирадиган бўлса, худди шундай ҳол юз беради, яъни тингловчиларга бу гап ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

### **2. Маконий номутаносиблик.**

Ҳар бир шаҳарни ўзининг иқлими, маданий, жуғрофий тузилишига қараб ўзига хос ҳолатлари, шароитлари мавжуддир.

Воиздан зарбул масал айтиётганида ёки бир маълумотни жамоатга етказганда маконлар, жойлар орасидаги фарқларга риоя қилмоғлиги талаб қилинади.

Масалан: Саҳобалар намозни оёқ кийимларида ўқир эдилар, деган маълумотни жамоатга етказишдан олдин ўзи турган жой билан улар яшаган маконларни табиати ҳақида таълим бериб ўтмоқлик шартдир.

Саҳобалар яшаган Арабисток ярим ороли чўл зонаси бўлиб, ундаги табиат сахро табиатидир. У ерда оёқ кийимлар нажас бўлмайди, чунки қумлар уни поклаб юборади. Бу ерда нажас нарсани қуритиб юборадиган юқори ҳароратни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, масала янада равshan бўлади.

### **3. Даврий номутаносиблик. (вакт номутаносиблиги)**

Нотик минбарга кўтарилиб, замондош мусулмонлар

қилаётган баъзи ножўя ишлар ҳақида нутқ сўзлайди. Сўнгра Ислом аввалида ўтган зотларни ҳаётини келтириб ўтади. Бу умуман олганда яхши иш, лекин олдинги одамлар маълум бир худудли муайян жамиятларда яшардилар ва ҳаётлари оддий эди.

Исломий фатҳлардан кейин эса, мусулмонларда кўп имкониятлар пайдо бўлди. Жумладан, ҳаж қилиш. Ғазот урушларидан кўпроқ насиба текканлар ҳар йили ҳаж қилишга қодир бўлди. Озроқ насиба текканлар эса бола-чақасига қўй молларни топшириб, шуларни жуни ва сутлари билан тирикчилик қилиб туришларига замин тайёрлаб, ҳажга жўнар эдилар. Ҳаж қилишга даъват қилаётган одам ҳозирги замон шароитидан келиб чиқиб, гапириши лозим.

Чунки, ҳозир бир марта ҳажни адо этган одам, яна ҳаж қилгандан кўра Ислом жамиятига фойдалироқ бўладиган ишни қилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **4. Луғавий номутаносиблиқ.**

Воиз ўз маърузасида тинглаётган одамлар яхши билмайдиган ёки баъзи бир қисминигина исътемол қиласидиган тилда гапирса, бу нарса мавзуга (уни етказишга) салбий таъсир кўрсатади ва кўп вақтларда эса асосий мавзуни йўқотишига олиб келади.

Яна воиз лаҗжа (шева)ларни ҳар бир жойда турли хил эканлигини ҳисобга олишлиги даркор.

#### **5. Жинсий номутаносиблиқ.**

Аёллар жуда тез таъсирланувчан бўлади. Уларга нутқ сўзлайдиган одам ўз нутқида уларни баъзи нарсалардан кўрқитиб қайтармоқчи бўлса, мулоимлик ва рифқ билан мақсадига кириб бормоқлиги лозим бўлади. Агар шиддат билан нутқ қилинса, уларга қаттиқ таъсир қилиб, мавъизани тўлиқ тушуна олмайдилар ва хутба мавзуси унга етиб бормайди.

Агар воиз бутун жамоатга гапирса, ёки кимдир мавъиза қилишни сўраса-ю, у эса сўровчининг ботиний ҳолатини илғаб ололмаса, нима қиласи?

Билгилки, бундай вазиятда бутун халқ ёки кўпчилик эҳтиёж сезадиган умумий мавзуда мавъиза қилинади. Шариат илмида озиқлар ҳам, дори-дармонлар ҳам бор. Озиқлар ҳамма учун, дори-дармонлар иллат эгалари учун.

Битта мисол: Бир киши Абу Саъид Худрийга:

- Менга насиҳат қилинг, -деди.

- Улуғ ва қудратли зот Аллоҳга тақво қил! Тақво барча хайрнинг боши. Нафсга қарши жиҳодни маҳкам тут. Жиҳод - исломдаги роҳиблиқдир. Куръон ўқи! Тиловат-сен учун замин аҳли орасида нур. Само аҳли орасида зикрдир. Фақат хайрни гапир, йўқса сукут қил! Шундагина шайтонни мағлуб этасан, деди Абу Саъид Худрий.

Умар ибн Абдулазиз волийлардан бирига шундай мактуб жўнатди: "Сен одамларга зулм қилишга қодирсан. Сенга шу имкон берилди. Агар бирорга зулм этишга чоғлансанг тепангда Аллоҳнинг қудрати борлигини эсла. Ёдда тут, одамларга етказган зулминг улардан кетади. Аммо сенинг бўйнингда қолади. Улуғ ва қудратли Аллоҳ мазлумлар ҳаққини золимлардан олиб бергувчиидир". Демак, бутун жамоатга қилинадиган ёки сўровчининг ботиний ҳолати илғаб олинмаган вазиятдаги насиҳат мана шу тарзда баён этилмоғи жоиздир. Бундай мавъизалар, бамисоли кўпчиликка хуш ёқадиган таомларга ўхшайди. Кўнгилга тегмайди. Рухга озиқ бўлади.

## 11-дарс: Нутқни тайёрлаш, тартиблаш

### 1. Илмий асослар.

## 2. Қўшимча маълумотлар.

Ваъзни ташкил этилишида қайси фанга тегишли бўлишидан қатъи назар илмий асосларни иштироқи лозим. Масалан: жўғрофия, психология, жамиятшунослик, тарих каби ижтимоий фанлар ёки шеър, лугат каби адабий фанлардан олинган маълумотлар ҳам нутқнинг таъсирли бўлишида ўзига яраша омил ҳисоблансада, муқаддас динимизнинг асосини ташкил қилувчи тафсир ва ҳадис илмлари, мусулмонларнинг ҳаёт тарзини белгилаб берадиган фиқҳ ва муомала фанлари, юксак фасоҳат ва балоғат соҳиби бўлган Куръони каримнинг мўъжизавий сирларини очиб берувчи балоғат (маъоний, баён, бадиъ) илмларидан ваъзнинг асосларини тўплашлик, уни муваффақиятли чиқишига сабаб бўладиган сирлардан биридир. Бу маълумотларни тўплагандан сўнг булар билан жамоатга қандай фойда келтиришлик ҳақида ўйлашлик лозимдир. Хутбани (ваъзни) муваффақиятли бўлишиги учун мавзууни тайин қилгандан сўнг уни тартиблаш керак бўлади.

## Қўшимча маълумотлар

Нотикни инсонларга тақдим қилаётган нутки ютуққа эришмоклиги учун, эҳтиётий (қўшимча) маълумотлар муҳим роль ўйнайди. Лекин кўп воизлар хутбаларини тайёрлаётган вақтда, дангасалик қилиб танлаган мавзусига хос бўлган озина маълумот билан чекланадилар.

## 12-дарс: Маълумотларни хотирада ҳозир қилмоқ

### 1. Хотира.

2. Хотира фаолияти.
3. Хотирадаги табий жараён.

Оддий инсон хотирасини фақатгина арзимас бир қисминигина ишлатиб, хаётдан ўтаётганини идрок қилолмайди. Аллоҳ таоло инсон хотирасига жойлаб, ана шу сабабли уни бошқа махлукотлардан ажратиб қўйган хотира қувватидан фойдаланмоқни хоҳлаган одамга аввалги иборалар ва олдин ҳаётида рўй берган воқеаларнинг аҳамияти жуда каттадир. Ўз хотирасини фойдали йўл билан ишлатган одамга маълумотларни ҳозир қилиш қийин эмас. Аввало хотирани амали учта ўқ (асос) атрофида айланишлигини билиб олмоқ зарурдир.

### **1.Табъ:**

Бу ерда табъдан мурод, бирор бир фикр ёки лафз ё бўлмаса, бир маълумотни хотирага тошга битилган нақш сингари узоқ замонларга етадиган қилиб, событ қилишдир. Бу нарса машинани бошқаришга ўхшайди. Чунки машина бошқарувчи шофёр, ҳар бир нарсани ўз хотирасига жойлаб, сақлаб қолишга ҳаракат килади. Бунинг учун у зийрак зеҳнга муҳтождир. Баъзи бир инсонлар маълум бир шаҳарда, узоқ вақтлардан бери яшайди. У кўчаларнинг биридан ўн йилдан бери ҳар куни ўтиши мумкин. Лекин шундай бўлса ҳам ҳар куни олдидан ўтадиган нарсаларни кўпини эслай олмайди. Зеҳнда бир фикрни ўрнашиб қолиши, ўша маълумотни зеҳнга қандай қилиб жойлашлик, зеҳнни истеъдоди ва зийраклигига боғлиқ. Демак, маълумотни хотирага чоп қилиш учун воиздан ўта зийраклик ва шу маълумотни кўп маротаба такрор қилишлик талаб этилади.

### **2. Такрор:**

Такрор хотира амали учун иккинчи асосдир. Масалан: Етти яшарлик бир ўқувчи Қуръони каримни тўлиқ ёдлади. Бу қандай юз берди? Албатта бу мунтазам ва доимий такрор

натижасида юз беради. Тафаккур қилиш хотираға бир лавҳани жойлаш бўладиган бўлса, такрор михлар билан уни мустаҳкамлаш сингаридир. Қанча кўп такрор қилинса, шу лавҳани мустаҳкамлаш учун болға билан михни урганга ўхшайди. Болға билан қанча кўп урилса, лавҳа мустаҳкам бўлганидек кўп такрор билан хотираға ўрнаштирилган маълумот ҳам унда жуда кўп вақтларгача сақланиб қолиши мумкин. Гоҳида сафарда сизга ҳамроҳ бўлган инсон билан танишасиз, лекин сафар тугаши биланок уни исмини эсдан чиқаришингиз мумкин. Аслида уни эсдан чиқармасликни жуда ҳам оддий йўли бор. У ҳам бўлса, уни чақирганда: "бек, ака, ука, биродар, ошна", деган сўзлар билан эмас, балки исмини айтиб чақириш, қачон бир нарса сўралса исмини айтиб сўраш. Агар мана шундай қилинадиган бўлса, унинг исми модомики ҳаёт экансиз хотирангиздан ҳеч ҳам ажрамайди.

### **3. Хотирада фикрларни бир-бирига боғлаш (фикрий боғлиқлик):**

Бу боғланиш воиз учун сабот бахш этади, хотира учун маълумотларни етказиб беришга ёрдам беради. Масалан: Воиз ўз нутқини ҳаётда инсонлар бир-бирига ёрдам беришлари ҳақида тайёрлади. Бунинг учун у Қуръондан инсонлар орасидаги ҳамкорлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳақидаги оятларни, сўнг ҳадиси-шарифдан иборалар келтиради. Кейин ҳозирги замон ҳаётидаги воқеийликлардан мана шу мавзуни хал қилиш учун танлаб олган маълумотларини тақдим қиласди. Мана шу ерда фикрлар учта манбада бирлашмокда. Қуръони карим, ҳадиси шариф ва воқеийлик. Бу фикрлар орасидаги боғланиш, ҳар бир манбанинг ўз хусусиятларига биноан ажратиш, шу ажраган фикрларни умумий мавзуга боғлашлик билан бўлади. Аммо фикрларни учала манбада ўзи хоҳлаганидек сузиб юрадиган ҳодда тарк қилса, улар орасидаги боғланиш ноаниқ бўлиб қолади.

Нотиқ намозни фарзлиги ҳақида нутқ қилмоқликни ва бу мавзуда маълумотларни биритирмоқликни хоҳласа, ўзидан, ўз нафсидан бу саволларга жавоб истасин!

Намознинг инсон ва жамиятга нисбатан фойдаси нима?

Нима учун намоз маълум бир белгиланган ҳолатлар билан адо этилса комил бўлади?

Банда нима учун намоз ўқишга муҳтож?

Бандани кенг коинот билан боғлашликка намознинг таъсири қандай ?

Мана нгу саволларга жавоб топса, асосий мавзу бўлган намознинг фарзлиги ҳақидаги маълумотларни биритирган ва бу маълумотларни зеҳнда сабит, мустаҳкам қилган бўлади. Бу билан ўзига, илмига ва уни адо қилишга бўлган ишончга эга бўлади.

Инсон хотирасининг асослари ҳақида мўъжаз шарҳни муқаддам қилдик. Воиз бу асосларга кўп маротаба мурожаат қилиши лозимдир. Чунки бу асослар унга катта фойдалар келтиради, ўз нутқини Аллоҳ таоло рози бўладиган ҳамда мусулмонлар учун манфаатли шаклда адо қилишликни осон қиласди.

## 13-дарс: Воизга зарур бўлган ўзига хос сифатлар

### 1. Матонат:

### 2. Қатъият:

Бирорта фанни ёки жаҳон тилларидан бирини ўрганиш учун ҳаракат қилаётган одам муваффақиятга эришиши учун кўп вакт даркор эканлигини билиши шарт. Баъзи вактлари фойдали, баъзилари эса натижасиз ўтади. Лекин энг муҳими юксакроқ натижага эришишга доимо ҳаракат қилиши керак.

Яна натижа чиқмаётган вақтларда тўхтаб қолмаслик ёки ортга қайтмаслиги даркор. Матонат хатибга нисбатан ҳам нажот халқасидир. Бу вақтнинг ўзида эса у, етишлик орзу қилинган мақом бўлиб қолмоқда.

### **3. Хоҳиш ва истак:**

Бир нарсани хоҳлаш унга етишишнинг ярмидир. Инсон йўлбошлилик, раҳбарлик мақомига эришиши учун, бу мақсад йўлида унда кучли истак-хоҳиши бўлмоқлиги лозим.

### **4. Нутқ (лекция-маъруза):**

Воизларнинг ҳар бир гапирадиган мавзуу ва калималари бир хил эканлигига шак йўқ. Лекин нутқ - шу калима ва мавзуларни чиқаришлиқдаги ҳар бир воизга хос бўлган услубдир. Инсонлар таомни бир хил маҳсулот ва сабзавотлардан тайёрлайдилар. Лекин улар пиширган таом бир хил бўлмаслиги ҳаммага аёндир. Нотиқлик ҳам шундайдир. Нутқ ҳам шундайдир. Нутқ - бу воизнинг калималарни гапираётганда уларга берган жилосидир.

### **5. Товушни ишлатиш:**

а) Ҳар бир калиманинг оғиздан чиқишида ўз ҳаққи ва ҳажми бордир. Калималарга бўлаётган аҳамият нотиқликда (тажвид илмидагидек) талаффуз жиҳатидан бўлмайди. Балки ваъз ёки маърузага нисбатан бўлган нисбий маъносига аҳамият берилади. Калима аҳамиятини белгилаш нотиқнинг ўзига ҳавола қилинади. Масалан: Айтилаётган сўз сарлавҳа ёки далил бўлиши мумкин. Яна бажариш вожиб бўлган амал ва сақланиш керак бўлган одат бўлиши ҳам мумкин. Сўзларни ёзишда ҳам, муҳим калималарни йўғонроқ қилиб ёки остига чизик чизиб қўйишлиқ кузатилганидек, воиз ҳам гапларни энг муҳимини белгилаб, баланд овозда гапириши лозимдир. Токи бу гап бошқа сўзлардан кўра баландроқ эшитилсин.

б) Пауза (сўз ва жумлалар орасидаги жимлик)

Пауза деб калималар орасидаги товушдан холи бўлган бўшлиқни айтилади. Мана шу паузаларни ҳам тўғри ишлатиш лозимдир. Фикрларни айтишдан олдин ёки кейин, муҳим сўзларни етказишда шуларга муносиб бўлган тарзда озгина вақт жим туриш ҳам ваъзни таъсирига фойда келтиради.

### в) Товушга жило бермоқлик

Одам моддий, ҳиссий ашёларга ранг, жило бериши мумкин. Аммо товушга жило бериш ғарib ишлардан ҳисобланади. Лекин баъзи бир кишилар учун бу амалларни бажариш табиий ҳолдир. Улар овозларини кўтариб, пасайтирадилар, хурсандчилик ёки маҳзунлик ўринларида овозларига шу ҳолатларга мос оҳангларни кўшадилар. Мана шуни товушга жило бериш дейилади. Воиз ваъз асносида овозини бир хил тарзда ушлаб турмаслиги керак. Чунки бу нарса жамоатда малолланишни пайдо қиласди ва нутқида етказишни мақсад қилган маъноларга путур етказиши мумкин.

## 6. Ўзини тутиш (хузур):

Бу ерда гап воизнинг турган жойида ўзини тутиши ҳақида бормаяпти. Чунки бу нарсада ҳамманинг фикри бир жойдан чиқади. Балки, воизнинг ҳузури деганда, унинг ўзини жонли тутиши, жонли ибораларни келтириши, ёрқин шахсиятини намоён қилиши ҳақида гап бормоқда.

Воиз ўзини рисоладагидек тутиши учун унга заковат, фаросат, иккала кўзи билан жамоатни ҳолини кузатиб туриш лозим. Ваъз вактида тепага ёки пастга назар қилишлик ҳам воизнинг ҳузурига путур етказади.

Мусулмонлар ичидаги баъзи воизлар тавозуъни нотўғри тушунганидан, минбарнинг устига чиқиб олиб, мискинлик ва залилликни зоҳир қиласдилар. Бу нарса уларда намоён бўлиши керак бўлган шижаатни йўқотади. Жамоатнинг уларга бўлган шуурини, ҳиссиётларини пасайтиради. Воиз ваъзга

чиқишидан олдин хотиржамлик, ҳаяжондан йироқ бўлиши керак. Нутқ сўзлашдан олдин кўп микдорда таом тановул қилмаслик ҳам зарурий ҳолатлардандир. Акс ҳолда дангасалик, паришонлик, ланжликни пайдо қиласи. Ваъзни тинглаётган жамоатда эса салбий фикрлар тўғилиши мумкин.

## **7. Кийимлар:**

Ер юзида ўзини ҳурмат қилмайдиган, кийим танлашга, уни поклигига, баданига ярашишлигига эътибор қилмайдиган воизни эҳтиром қиласидиган қавм топилмаслиги аниқ. Кўплаб воизлар ваъзларини тайёрлаб, етарли даражада машқ қиласидар. Шундай бўлса ҳам уларни жамоатлари кўпайиш ўрнига озайиб боради. Бунга сабаб уларнинг ташқи кўринишлари дидир. Демак, воиз кийимларини кўринишига, ўзига ярашишига эътибор қаратмоқлиги лозим.

## **8. Табассум:**

Ваъз айтувчи шахс ўзининг шахсий муаммолари сабабидан инсонларга хорғин, қовоғи солиқ ҳолатда юзланса, бу ҳолати билан ушбу воиз инсонларда жамоат билан иши йўқдек таассурот қолдиради. Шу сабабли воиз ва жамоат ўртасида тўсиқ пайдо бўлади. Мана шу ўринда воиз учун жамоатга юзланган ҳолатида табассум қилишнинг нақадар аҳамиятли эканлиги маълум бўлади. Ваъзни табассум билан бошлаш зарур эканлиги билан бирга бу табассумни хутба ораларида гоҳ-гоҳида вазиятга муносиб тарзда такрорлаб туришлик воиз билан жамоат ўртасидаги масофани йўқотиб юборади ва ваъзни уларга тўлиқ етиб боришлигига замин яратади.

## **10. Жамоатни бир жойга йиғиши:**

Воиз жамоатни бир жойга тўплашга ҳаракат қилмоғи керак. Улар бир-бирларига яқин жойда ўтиришлари ёки туришлари лозим. Кўпинча воиз масjidга ёки бирор бир жойга ваъз қилиш учун борса, жамоат пароканда, бир-

биридан узоқ ҳолда ўтирган бўлади. Бу ҳолат уларни ваъзни тинглашга бўлган ғайратларини йўқотади. Демак воизнинг гапи уларга таъсирли бўлиши, улар олдида фойдали нутқ сўзлаши учун ўз оммасини бир жойга йиғмоқлиги даркор.

## **11. Ёруғлик:**

Воиз ўз насиҳатларида ютуққа эришиши учун ёруғлик ҳам алоҳида роль ўйнайди. Орқа тарафдан ёки икки тарафдан тушаётган ёруғлик ваъзга яхши фойда бермайди. Ваъзга чиройли таъсир этувчи ёруғлик бу воизнинг юзини қамраб оладиган олди тарафдан келадиган ёруғликдир. Юз ифодалари мана шу ёруғлик сабабли аниқ кўриниши керак. Лекин тўғридан ёруғлик тушуриш керак экан деб воизга бутунлай ёруғликни тўғрилаб унга кўришни қийинлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Ваъз катта издиҳом ичидаги бўлаётган бўлса ва воиз хонтахта ёки стол орқасига ўтириб олган бўлса, ўз олдига гуллар ёки ҳар-хил сувли идишларни кўйиб кўйишлирига йўл кўймаслик керак. Акс ҳолда бу нарсалар воиздан ёруғликни тўсиб қолади. Натижада воизнинг илми ёки нутқига боғлиқ бўлмаган арзимас нарсалар сабабли ваъз муваффақиятсиз якунланиши мумкин. Воизнинг орқа тарафидаги эски курсилар, суратлар, ҳариталар ҳам инсонлар эътиборини воиздан узоқлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Зийрак воиз орқасида инсонларни кўзини оладиган, олдида эса уларни кўзини тўсиб қўядиган нарсани қўймайди.

## **12. Жимлик (сокинлик, осойишталиқ):**

Воизнинг ютуққа эришишлигига сабаб бўладиган омиллардан бири макон сукунатидир. Бир воиз ваъз қилаётган бўлса-ю, ўша жойда ишчилар таъмир ишларини олиб бораётган бўлса, гўёки улар сеҳрли ишларни бажараётгандек жамоатнинг нигоҳи воиздан улар тарафга бурилиб қолади. Ваъз асносида шу жойда бўлаётган ҳар қандай ҳаракатлар жамоатни фикрини чалғитади. Баъзи бир воизлар нутқ сўзлаб турган пайтда бошқа бир воизлар келиб қолсалар уларга

пешвоз чиқадилар ва уларни ўз ёнларига, тўрига таклиф қиласадилар. Улар бу иш ўзларининг даъватларига фойда келтирувчи тавозузънинг бир тури деб ўйлайдилар. Жамоат ўз фикрларини воизни ёнида ўтирган мөхмонарларга, уларнинг ўтиришига ҳамда мана шу мақомга кўтарилишига сабаб бўлган омилларга қаратади.

Демак, ваъз ва нутқ ҳамда даъватларимиз ижобий самара беришлиги учун маконнинг осойишталиги зарур экан.

### **13. Ишора:**

Диний нутқлардаги асосий нарса бу сокинлик (харакатланмаслик)дир. Ишора эса унинг бир бўлагидир. Яъни бу ваъзларда кўпроқ виқор билан турмоқлик керакдир. Ишора эса фақатгина нодир ҳолатларни акс эттираётган вақтдагина қилинади. Аммо воиз айтиётган иш камёблик ҳолатидан чиқсан, кўп учрайдиган нарса бўлса, ишора қилишлик аҳамияти йўқолади.

Воиз қўлларини тушириб олиб гоҳ-гоҳида маълум бир лаҳзаларда пайдо бўладиган оддий ишоралар учун ишлатиши керак.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. "Хатоба (Тадрибул-хатиб)" Миср, Ал-Азҳар, доктор Муҳаммад Зайд ал-Фақо.
2. "Тафсири Рухул-маъоний" Абул-фазл Алусий, Дори Эҳёут-туро сил-арабий, Байрут.
3. "Тафсири Фатҳул-қадир" Муҳаммад Шавконий, Дори ибн Хазм.
4. "Тафсири Ибни Касир" Имом Ҳофиз Абул-ғидо Исмоил Ибни Касир, Байрут.
5. "Тафсири Насафий" Имом Абул-Баракот Насафий, Н.Тошкандий.
6. "Қуръони карим маънолари нинг таржима ва тафсири А.Мансур ТИУ 2002.
7. "Эълоус-сунан" Зафар Аҳмад Усмоний, Байрут.
8. "Мишқотул-масобех" Имоми Табризий, Байрут.
9. "Мирқотул-мағфотех" Мулло Али Ал-қорий, Байрут.
10. "Ҳадис ва Ҳаёт" Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Тошкент.
11. "Бадоеу-саноэъ" Алоуддин Косоний, Байрут.
12. "Ислом энциклопедияси" Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, Тошкент.
13. "Бўстонул-орифийн" Абу Лайс Самарқандий, Байрут.
14. "Эҳёу улумиддин" Абу Ҳомид Ғаззолий, Байрут.
15. "Ан-наъийм" "А.Қодирий" номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент.